

ЗАМОНАВИЙ ОИЛА МОДЕЛИ

Фалсафа фанлари доктори,
профессор Хажиева Максуда Султанова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида оилани ривожлантиришга глобал даражада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадлари ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қаралиши таъкидланади. Унга кўра, бугун Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга халақит бераётган бир қатор тизимли тўсиқлар мавжуд бўлиб, улардан бири – замонавий оила моделини яратишга оид илмий тадқиқотлар ўтказилмаётгани, бу тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш йўлга қўйилмагани ва кадрлар етишмаётганидир¹. Президентимизнинг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида эса замонавий намунали оила моделини ва мезонларини яратиш, “замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлар, шахслараро муносабатлар, бой маданий-тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказиш, улар асосида оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий ажрашишларнинг олдини олиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” зарурлиги таъкидланади².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // Халқ сўзи, 2018, 28 июнь.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2018, 3 февраль.

Илмий адабиётларда оила қуришга тайёрлик мезонлари ҳақида маълум бир фикрлар учрайди¹. Бироқ замонавий оила модели борасида ҳали аниқ тасаввурлар шаклланмаган. Президентимизнинг юқоридаги фармон ва қарорлари эълон қилинган, газеталарда олимлар, мутахассис ва оилашуносларнинг айрим фикрлари эълон қилинди. Замонавий оиланинг моделига оид айрим қарашлар илмий-амалий анжуман материалларида ҳам кўзга ташланади². Оилашунос психолог З.Аҳмедова бахтли оила моделини қуйидагиларда кўради:

– никоҳга содиқлик (оиласига фидойи, турмуш ўртоғига вафодор, фарзандлари учун “жонини бериш”);

– биргалик, бирдамлик (бирга вақт ўтказиш, ресурслар ва мақсадларни бирлаштириш);

– оилани қадрлаш орқали бир-бирини ҳурмат қилиш;

– муносабатларнинг конструктив тури (муносабат эр ва хотинни ривожлантириб, маънавий юксалтиради);

– таназул ва стрессни биргалашиб енгиш (оиладаги низоларга ечим топиш орқали мақсадга эришиш);

– оила – муқаддас, деган назар билан боқиш”³.

Замонавий оила модели қандай бўлиши керак? деган саволга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ф.Қодиров шундай дейди: “Замонавий оила дунёвий ва диний билимларга эга бўлган аёл атрофига қурилиши керак. У нафақат жамиятга ҳалол ва соғлом фуқарони тарбиялаб беради, балки самарали меҳнатга тайёр, хотиржам, ватан тараққиётини таъминлаши керак бўлган ходимни ҳам вазифасига кузатиб қўяди. Мамалакатимиз ривожини фаровон оиласиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, фаровон оилани ҳам оқила онасиз тасаввур

¹ Қаранг: Шоумаров Ғ.Б., Расулова З.А. Оила энциклопедияси. – Тошкент: “ИЛМ ЗИЁ ЗАКОВАТ” нашриёти, 2016. – Б. 248–250.

² Қаранг: Роль женщин в демократическом обновлении и модернизации страны: опыт Узбекистана и международная практика. Халқаро конференция. Собрание выступлений. –Ташкент, 2018.

³ Аҳмедова З. Оила дипломатияси. – Тошкент: “Spectrum Media Group”, 2018. – Б. 6-7.

килиб бўлмайди”¹. Бу ўринда муаллиф урғуни аёлга бераётгани кузатилади. Аслида эса оила фақат аёлдан иборат эмас. Бу замонавий оила моделини фақат аёлда кўриш анъанага айланган патриархал қарашларнинг давомидир. Педагогика фанлари доктори, профессор М.Қуронов замонавий оила модели ҳақидаги фикрларини қуйидагича баён қилади: “Бугунги замонавий оилаларда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги психологик муносабатлар анча чуқурлашганини кўрамиз. Биринчидан, илгари барча оила аъзолари бир ҳовлида бирга яшашган бўлса, сўнгги даврларда ёш оилалар алоҳида яшашга хоҳиш билдиришмоқда. Шунинг билан бирга, илгари ёш ота-оналар тарбияда бобо-бувиларнинг йўл-йўриқларига амал қилган бўлсалар, ҳозирда ёшларга мана шу тарбиявий тажриба етишмаётганлиги кузатилмоқда. Натижада ёш ота-оналар миллий тарбиянинг яхши томонларини билмасдан фарзанд тарбиясида бироз хатоларга йўл қўйишмоқда. Иккинчидан, бугун биз замонавий деб айтаётган оилаларда аёлларнинг роли бир неча баробар ошганини кўрамиз. Бу оиланинг ҳам иқтисодий, ҳам маданий ҳаётида ўз аксини топмоқда. Учинчидан, бугунги замонавий оилаларда боланинг роли ошди. Бугун болаларимизда ақлий-эмоционал акселерация жараёни кузатилмоқда. Бундай пайтда айрим ота-оналар фарзандининг интеллектуал талабларини ўз вақтида тўғри англаб етишмаяпти. Айримлари эса боласининг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида аҳамият бериб, уларни қўшимча машғулотларга жалб этмоқда. Тўртинчидан, илгарилари келин ва куёв танлашни, асосан, ота-оналар белгилаб беришган бўлса, бугунги ёш оилалар ихтиёрий севги ва муҳаббат асосида қурилмоқда. Натижада айрим ёшлар тўғри турмуш кечириб кетаётган бўлсалар, бошқа ҳолларда турмушнинг илк даврлариданоқ ажрим ёқасига келиб қолган ёш оилаларни ҳам кўриш мумкин. Ота-боболаримиз даврида ҳам ажримлар бўлган. Лекин бунинг биргина сабаби бор, у ҳам бўлса – ўлим. Уларни бир-биридан фақатгина ўлим ажратган. Шундай экан, оилалар мустаҳкам бўлиши учун ҳар иккала ёш бир-бирини тушунмоғи, ҳаёт синовлари ва турмуш

¹ Қодиров А. Оила жамиятнинг термометридир // *Oila va jamiyat*, 28 ноябрь 2018 йил. – №46 (1399) – Б. 3.

зарбаларидан асраб-авайламоғи, сабр-қаноатли бўлмоғи керак. Фарзандлар тарбиясида эса миллий тарбия методларини замонавий билимлар билан бойитиб, доно ва бахтли фарзандларни вояга етказсалар, барча ҳавас қиладиган замонавий оилалар вужудга келади. Жамият ҳам фаровон бўлади”¹.

М.Куроноф замонавий оила моделини тарихий-маданий тажрибаларни, этноанъаналарни таҳлил қилиш билан боғлайди. У ўтмишдаги оилавий этноанъаналар ва муносабатларни идеаллаштиришга интилади. Аслида ҳеч қачон идеал оила бўлмаган, чунки шахслараро муносабатларнинг мутлақ етук, мутлақ тўғри бўлганини тасаввур қилиш қийин. Аммо олимнинг замонавий оила маълум бир тарихий-маданий тажрибаларга, этноанъаналарга қурилиши зарур, деган ёндашуви муҳим аҳамиятга эга.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Ж. Шермухамедованинг фикри қуйидагичадир: “Замонавий оилани янги замон аёли яратади. Оиланинг хазинаси эркак ва аёлдир, бироқ табиат томонидан инъом этилган табиий заковат, кучли ирода ва кўп қиррали билимларга эга бўлган аёл нафақат оиланинг, балки бутун бир жамиятнинг, керак бўлса, инсониятнинг бойлигидир.” Шу тариқа олима “замона оиласини замонавий аёл яратади”, деган ғояни илгари суради². Ж.Шермухамедованинг замонавий аёлнинг фазилатлари, оиладаги ўрни ва оила институтини мустаҳкамлашга таъсири ҳақидаги фикрлари мавзумиз учун муҳимдир. Шунинг учун улар ҳақида кенгроқ тўхталишимиз лозим. Олима шундай дейди: “Замонавий аёл соғлом бола фақатгина соғлом онадан вужудга келишини англаб етмоғи лозим. Аввало, оилада вояга етаётган ҳар бир қиз ўсмирлик давриданок ўз саломатлиги ҳақида қайғуриши, тиббий билимларга эга бўлиши керак”. Ҳақиқатан ҳам, тиббий билим нафақат аёлга, шунингдек, оиланинг барча аъзоларига, ҳар бир шахсга керак. Фарзандларнинг соғ-саломат ўсиши учун ота-она баб-баробар қайғуради, лекин аёл, инстинктив тарзда, боласи

¹ Куроноф М. Уларни фақат ўлим ажратган...// Oila va jamiyat, 28 ноябрь 2018 йил. – №46 (1399) – Б. 3.

² Шермухамедова Ж.Оқила, замонавий аёл оила ва жамият безагидир // Oila va jamiyat, 28 ноябрь 2018 йил. – №47 (1400). – Б. 3.

бетоблигини дарров сезади. Бундан ташқари, оила аъзоларидан бири бетоб бўлса, унинг хасталиги бошқалар саломатлигига хавф уйғотиши, аввало, аёлни безовта қилади, эркак ўз хасталигини ўзи енгиб яшашга мойил. Шундай бўлса-да, ҳар ким ўз саломатлиги ҳақида қайғуриши лозим, катталарнинг фарзандларига, жисмонан заиф яқинларига ёрдам кўрсатиши оилавий этноанъаналардаги олийжаноб жиҳатдир. Мустақиллик йилларида халқимизда, миллатимизда саломатликка эътибор бериш, узоқ умр кўришга интилиш янги анъанага айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан кейинги икки йил ичида тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашга қаратилган 20 дан зиёд фармонлар ва давлат дастурлари, ҳамда аҳоли саломатлигини таъминлашнинг янги концепцияси қабул қилинди¹.

Ж.Шермухамедованинг фикрича, “аёлнинг ички ва ташқи дунёси ҳамоҳанг ҳолатда гўзал бўлмоғи лозим. Ички гўзаллик унинг тарбияси, ибодат ҳаёти, гўзал муомаласи ва майин табассумида намоён бўлса, ташқи нафосати унинг энг сўнгги урфдаги бежрим либоси ёки соч турмаги, узун тирноқлари ва сунъий лабларида эмас, балки қоматига ярашган ва диққатни тортмайдиган сипо либоси, енгил пардози ҳамда нафис қадам ташлашида сезилиб туради... Аёлнинг ички дунёсини безайдиган восита – бу билим. Аёл киши дунёвий ва диний билимларни қанча мустаҳкам ўзлаштирган бўлса, бундай хазина фақат бахтли инсонларгагина насиб этади. Чунки аёлнинг билими, тафаккури ва заковати нафақат ўзини, балки атрофидагиларни ҳам бахтиёр қилишга қодир. Аёл – математик, аёл – физик, аёл – химик, аёл – ҳуқуқшунос, аёл – адабиётчи. Бу таърифлар замона аёлига хос ва мосдир. Шу соҳалардан бўлмаган аёлни мен замонавий аёл дея олмайман” (ўша жойда). Мазкур фикрларга қўшилиш ҳам мумкин, улар билан баҳслашиш ҳам мумкин. Масалан, замона аёлининг замонавий билимлардан хабардор бўлиши уни маънавий бойитади, бу фазилати билан у фарзандларининг шаклланишига таъсир этади. Аммо замонавий билимларни ҳаётдан олган,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”// Халқ сўзи. 2018, 3 август

махсус билимларга эга бўлмаган қишлоқ аёлларининг ўзини бахтиёр сезишини ва бахтиёр оила қуришини нима билан изоҳлаш мумкин? Билимлар кишини бахтиёр қилармикан? Оилавий бахтиёрлик билимлардамикан?

Ж.Шермухамедова фикрларини давом эттириб, шундай дейди: “замонавий аёл маълумотидан қатъий назар, бир нечта ҳунарларни эгаллаши керак. Тикиш-бичиш, пазандалик ёки ҳисоб-китобдан ташқари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлса, чет тилларни билса, бундай аёлнинг ҳамиша оғири енгил, узоғи яқин бўлади. Бундай аёлга мен юксак интеллектуал капитал, дея таъриф берган бўлардим. Ана шу тўрт хислатни ўзидан намоён этган аёл оиланинг ибратли бекаси, турмуш ўртоғи учун севимли рафиқа, фарзандларнинг қаҳрамон онажониси бўлиб қолади”. Бу фикрларда идеал аёлни кўриш истаги яширинган. Ўзбек аёлининг ўзи шу хислатларга эга, энциклопедист бўлишни истармикан? Эри, оила аъзолари-чи? Ахир у ўзини ўзи шакллантирадиган, зоҳидона яшашга одатланган мавжудот эмас-ку?! Замонавий аёл портретини ва оила моделини эр-хотин ва оила аъзоларининг ижтимоий фикрини, турмуш тарзини, орзу истакларини ўрганибгина яратиши мумкин. Қолган барча ёндашувлар хаёлот, орзу маҳсуллари дир.